АХБОРОТ ХАТИ
Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Ҳурматли ҳамкасблар!

Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Сизни 2021 йилнинг 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ташкил этиладиган **“Истиқлол даври тилшунослиги, адабиётшунослиги ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари”** мавзусидаги республика илмий анжуманига таклиф этади.

Анжуман қуйидаги шўъбалар бўйича иш олиб боради:

- ўзбек тилшунослигининг назарий масалалари;
- мумтоз адабиёт ва матншунослик масалалари;
- ўзбек адабиёти — тадқиқ ва талқин;
- адабиёт назарияси ва адабий танқид масалалари;
- адабий алоқалар ва таржимашунослик;
- фольклоршунослик масалалари.

Анжуманда амал қилувчи тил: ўзбек тили

Анжуманда иштирок этиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим: Мақолалар 2021 йилнинг 1 сентябрига қадар ташкилий қўмитанинг электрон манзилига (anjuman2021@yandex.com) талаблар асосида иштирокчининг анжуманга тақдим этаётган маъруза номи, маъруза матни ва иштирок этиш шакли ҳамда шўъбаси аниқ кўрсатилган ҳолда юборилиши лозим.

Ҳурматли конференция қатнашчилари, Сизлардан мақолаларни тайёрлашга қўйиладиган талабларга диққатингизни қаратишингиз сўраб қоламиз!

Анжуманда иштирок этиш учун юбориладиган анжуман материалларининг расмийлаштирилиш тартиби қуйида келтирилади:

Анжуман материаллари нашри:

Танлаб олинган материаллар **“Истиқлол даври тилшунослиги, адабиётшунослиги ва фольклорининг долзарб масалалари”** мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари тўплам сифатида PDF шаклда (электрон) тайёрланади.

Ташкилий қўмита материалларни техник таҳрир қилиш, шунингдек, мақола қабул қилинмаганда ва қайтарилмаганда, бу бўйича изоҳ бермаслик ҳуқуқига эга.

Мақолага тўлов қилинганлиги ҳақидаги квитанциясининг нусхаси ҳам бириктирилган ҳолда электрон манзилга (anjuman2021@yandex.com) юборилади.

Сизнинг электрон манзилингизга Ташкилий қўмита томонидан мақолангиз қабул қилинганлиги ҳақида хабар юбрилади, агар Сизга 3 кун оралиғида бундай ҳабар юборилмаса, у ҳолда Ташкилий қўмита билан қайта алоқага чиқишингиз сўралади.

Конференция якунида конференция материаллари тўлами (PDF шаклда), сертификат тақдим этилади.

Мақолани тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

Мақола ҳажми – 7 бетдан кам бўлмаслиги лозим.

- мақола матни doc. форматида, 1,5 интервалда, ўнг томондан – 30 мм, чап томондан – 15 мм, юқори ва пастдан – 20 мм ҳошия қолдирилиб, Times New Roman 14 кегль шрифтда тайёрланади;
- мақола номи 12 сўздан ортмаслиги;
- мақола аннотацияси мақола матнидан олдин берилиши лозим;
- аннотациядан сўнг камида 5-7 та калит сўз келтирилиши шарт;
- мақола матни калит сўзлардан кейин икки интервал пастдан берилиши керак.

Муаллиф ҳақида маълумотлар: Мақола номидан 1 интервал пастдан муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, уларнинг чети – ўнг томонида (*) ҳаволаси остида муаллифнинг илмий даражаси, унвони, ташкилот номи ва электрон манзили кўрсатилиши лозим.

Ҳавола ва фойдаланилган адабиётларнинг берилиш тартиби: Манба ҳаволаси тўртбурчак қавс ичида, манба муаллифи фамилияси, нашр йили ва саҳифаси кўрсатилган тартибда берилади.

- [Нурмонов, 2012: 56].
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати юқорида қайд этилган тартибда матннинг сўнггида берилади;

НАМУНА

“Ирқ битиг”да космогоник миф излари

Абдуллаев Жавоҳир Усмон ўғли *

Аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация, аннотация.

Таянч сўзлар: **(5-7 та сўз).**

Асосий матн. **(6-8 бет)** Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. [Акрамов, 1997: 3]. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. Асосий матн. [Кормушин, 1997: 200].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акрамов Ғ. “Хамса”да мифологик замон ва макон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997 №2. – Б. 78-81.
2. Jo‘rayev M., Narziqulova M. Mif, folklor, adabiyot. Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi. – T.: 2006. – B. 183.
3. Radloff W. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. Neue Folge. St.-Pbg.:1894. – P. 460.
4. Turdimov Sh. “Go‘ro‘g‘li” dostonlarining genezisi va tadrijiy bosqichlari. Filol. fan. dok. diss. – T.: 2011. – B. 308.
5. Кормушин И.В. Тюркские и енисейские эпитафии. Тексты и исследование. Наука. – М.: 1997. – С. 303.

Тўлов шартлари:

Конференция материаллари тўплами PDF шаклида (электрон) чоп этиш учун иштирокчилар томонидан мақоланинг ҳар бир саҳифаси (сертификат билан) учун 6 000 сўм миқдорида ташкилий бадал маблағини тўлашлари зарур.

МУРОЖААТ УЧУН ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА: 100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси 70 уй. Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти. Тел: (71) 233-67-28, мобил: +99897-768-97-98. E-mail: anjuman2021@yandex.com Исмоилов Ғулом.

Аҳмедова Азиза +99897-782-88-21

Имомназарова Шаҳодатбону +998 99 798-70-80

Алламбергенов Анвар +99899-730-91-98